

РҮЗНОМА
1930 ЙИЛ
12 МАЙДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН



ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ИИВ ҲАЙЪАТИ НАШРИ

ПОСТДА

№ 53 (2317)

1991 ЙИЛ 11 МАЙ

ШАНБА

БАҲОСИ 10 ТИИИН

ҲАМКОРЛИК ЕТИШМАЯПТИ

Инсон билибми-бilmайми, адашибми-адашмайми жиноят содир этиди, дейлик. Одил суд уни қўлмишига яраша жазога ҳукм этди. Орадан йиллар ўтади. Уша шахс жазо муддатини ўтаб, яна озодликка чиқади. Энди у тақороран жиноят содир этадими-йўими — бу атрофдагиларнинг муносабатига боғлиқ. Агар унинг қамалини қўйсанни юзига солинмаса, мумкин қадар меҳримурувват дарис тутилмаса, унинг ҳақ-ҳуқуқи, гурури, орномуси топталмаса, собиқ маҳбусларнинг аксарияти ҳаётдан тўғри йўл топиб олишлари мумкин.

Туманимизда ана шу эътиборга олинниб, ўтган йил давомида мұқаддам судланган 42 нафар фуқаро сарсон қилинмай ишга жойлаштирилди. Бунда ички ишлар бўлими, изжроқум қошидаги ишга жойлаштириш бўлими ва оталиқ ташкилот ҳисобланмиш 92-хўжаликларо механизациялашган кўчма колонна, қолаверса «Дўстлик» давлат хўжалиги ҳиссаси катта бўлди.

Лекин бу «зонада ўтириб чиқсанлар» билан шугулланиш борасидаги муаммолар ҳал бўлди, деган сўз эмас.

Агар рақамларни таҳлил этидиган бўлсак, айнан ўтган йил мобайнида турли даражада содир этилган жиноятларнинг 11 таси, майдо безорилларнинг 9 таси, майдо чайковчиликларнинг 5 таси, давлат ва жамоат мулкими оз миқдорда талон-тарож қилгандарнинг 2 таси, жамоат жойларида спиртили иччиликлар истеъмол қилиб, осойишталикни бузганларнинг 7 таси қамоқдан қайтиб келиб, ишсиз юрган шахслар ҳиссасига тўғри келади.

Ҳар қандай соғ виждонли кишини ранжитадиган бундай ҳолатларнинг асосий сабаби — ўнта оталиқ ташкилотлар ва муассасалар раҳбариятининг жиддий муаммола етарилича аҳамият бермаётганини.

Иккинчи томондан олиб қараганда, уларнинг ҳам «өзли-калта»лик қилиб қолмонда. Чунки бу ташкилот ва корхоналар амалда ҳақиқий мустақилликка эга эмас.

Улар ишчи кучи ва ишлаб қишишига доир масалаларни ўзларича ҳал эта олмайдилар.

Хўжаликлар ерлари ижарага берила бошлагандан кейин ҳатто қишлоқ хўжалиги соҳасидә ҳам ишсизлар сони ошиб бораётпти.

Мабодо ана шундай ўткир масалаларни ечиш йўлларни топилмас ва кескин ўзгаришларни экан, жиноятчилар даражасини камайтириш бўйича ҳаракатлар натижасиз бўлиб қолаверади.

М. ИСОҚОВ,
Бағдод тумани ИИБ ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бўйича катта инспектори, милиция капитани.

ҲОДИСА ЮЗ БЕРГАН ЖОЙДА



«ЖИГАРИСТОНГА ЖЎНАТИНГЛАР!»

— Алло, «Постда» рўзномасими?

— Ҳа, эшитамиз.

— Ички ишлар идораси ходими милиция сержантни Ҳам-

дамовман. Сизлардан бир илтимосим бор. Жигаристонга бориб, тошкентлик биродарларимга кўмаклашмоқчи...

Гап шу ерда узилди. Қайта

қўнғироқни кутдик. Қаерданлиги номаълум сұхбатдошимиз улана олмади, шекилли. Бироқ у айтишга ултурган иккига сўзда бир дунё маъною мушассам эди. Ҳозир ўрнини курт бошига ногоҳон тушган кулфат ўчигида деб билган ўнлаб ходимлар турли вилоятлардаги ички ишлар идоралари раҳбарларига мурожаат қилишмоқда.

Оғир дамларда жўш урган қалб саҳоватига олқишилар бўлсин. Уларнинг дил изҳорлари Жигаристоннинг бағри хун тепаликларида ёндан сасиз ўтилаётган қардошлик мозори олдида, кўмакка отланган одамлар ва транспорт билан тўлган йўлларда турган Тошкент вилояти милицияси ходимлари билагига куч, кўзига нур бахшида этмоқда.

Ҳозирча ёрдамчи кучга зарурат түғилгани йўқ. Ҳамкасларнинг сиртдан кўмагини яқол ҳис қилган ходимлар кўйилган вазифаларни аъло даражада ўташмоқда.

Ғайрат ЖУРА,
Ҳабиб ШУКУР,

[суратлар муаллифи].

СУРАТЛАРДА: шаҳид кетганилар хотирасига кўйилган гуллар; ҳавфли жойлар милиция ходимлари кузатувидаги турни; бу ўй эталарни учун янги бошпаналар курнилади.



«02»

ҲАБАРЛАРИ

БУРУНДАН БУЛОҚ ҚИЛИШДИ

Саҳётчилар гуруҳининг аъзолари яқинда Бўстонлиқ туманининг Буғиқалпоқдек хушманзара жойида мириқиб ҳордиқ чиқаришаётган эдилар. Ярим тунда уларнинг қўнимгоҳига қадам ранжида этган иккига йигит дамни бурундан булоқ қилишди. Чирчиқ шаҳар ширкат савдоси ошпази 19 ёшли Б. Нирбоев ва бекорчи 21 ёшли Х. Шораловлар тўстутополон чиқаришиб, тошкентлик Сергей Б.ни роса дўппослашди. Кўлга олиш пайтида Х. Шоралов халтасидан овничоғи топилди.

МУАЛЛИМАНИ ТУНАГАН ТАЛАБА

Эрталаб соат тўқизиларда Одилов кўчаси бўйлаб бораётган Тошкент политехника олий билимгоҳи профессори тўсатдан бошига ногоҳон тушган зарбадан довдираб қолди. Номаълум босқинчи эса унинг кўлидаги китоблар солинган сумкани олиб, йўлига равона бўлди. Қидикув ишлари натижасида 70 ёшли муаллимани тунаган йигит ушланди. У. Тошкент автомобиль ва йўллар олий билимгоҳи талабаси Рашид М. экан.

ЕМОННИНГ КУЧИ ЕРТИГА

Янгиер шаҳридаги сув узатиши тармоғи механизги 33 ёшли Э. Гараев кечки пайт соат олтиларда кучини иккига ўтгай қизига кўрсатди. Тўнғиздай кучи бор масти отанинг калтагини кўтара олмаган норасида касалхонага етмасдан дунёга тўймаган кўзларини юмди.

БЕЗОРИ НАФАҚАДОР

Еши бир жойга бориб, қариллик гаштини суроётган кишилар азалдан одоб-аҳлоқда бошқаларга ўрнак бўлган. Тошкент шаҳрилик 61 ёшли нафақадор Собир Ш. кечкурун соат ўн бирларда мусалласдан киттак отиб олгач, бошқа томондан «хўрмат» қозонди. Қўлидаги куролдан кўни-кўшиниларига нисбатан безорилик кайфиятида ҳавога бир эмас, иккига эмас, 46 марта ўқ узди. Уйидан яна 72 дона ўқ топилди.

ВИДЕОЧИННИ ҚАҚШАТИШДИ

Олди-қочди воқеалари этни жунжиктирадиган, шарм-ҳаёсиз фильмга ишқибозлик инсонни ҳар кўчага етаклар экан, Тошкент шаҳридаги Юнусбод даҳасининг 4-маҳалласи 76-йиң йўлагидаги тармоқ телевидениеси оператори кўйқисдан ҳужумга дучор бўлди. Кекирдагига тирадиган пичоқ таҳдиди остида у иккига номаълум кишига Германияда ишланган видеомагнитофон, 4 дона видеокассета, «Весна» магнитофони ва 2 дона кассетани беришга мажбур бўлди.

БИЗГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

«ТАСАННО»НИ ҚАБУЛ ҚИЛДИК

«Постда» рўзномасининг шу йил 12 март куни сонидаги «Минг тасанно» ҳамасбларингизга» сарлаваҳами мақолани шахсий таркибимизнинг кенгайтирилган мажлисида атрофлича мудома қилдик.

Аввало шуни айтиш керакки, муаллифнинг бизга қўйиган айбларида жон бор. Айни пайтда Қўқон милицияси ишламаяпти экан, деган фикр ҳам унча тўғри бўлмаса керак.

Ўтган йили 105 нафар қўли эгри шахсларни қўлга олди. Улардан 52 минг 24 сўмлик камёб моллар мусодара қилинди, ўзлари эса жинойи жавобгарлика тортилдилар.

112 нафар шахс эса майдада чайковчилик билан шугулланадиган пайтда ушланди. Айни пайтда халқ суди ҳукми билан улар 7 минг 800 сўм жарима тўладилар.

Шунингдек, шаҳар савдо тармоқлари бўйлаб 45 марта ўтказилган рэйдларимиз ҳам бесамар кетмади. 25 нафар савдо ходимлари ҳаммаси бўлиб 14 минг 823 сўмлик харидорир молларни очиқ савдан яшириб қўйганлигини аниқладик.

Бундай тадбирларимиз бўйл ҳам давом этаяпти. Дастрлабки иккى ой мобайнида 15 нафар шахснинг ўз манфаати ўйидаги режалари барбод этилди. Уларнинг 9 нафарига нисбатан жинойи иш қўзгатилди. Мусодара этилган чайков молларнинг қиймати эса 36 минг 536 сўмни ташкил қилди.

40 нафар шахста майда чайковчилик билан шугуллангани учун чора кўрилди. Бу шахслар турли ўйлар билан қўлга киритган 1 минг 200 сўмлик буюмларни 4 минг 120 сўмлик жаримага қўшиб, давлат фойдасинга топширишга мажбур бўлдилар.

Юқоридаги рақамлар тўғрилигининг исботи сифатида қўйидаги мисолларга эътибор қилинг. Шу йил 15 январь куни шаҳардаги Толс-

той кўчаси, 10-йида истиқомат қилувчи, 1940 йилда туғилган Муҳаммад Иброҳимов ўз хонадонида чайковчиликдан тушадиган текин пулга тузоқ қўйган пайтида ушланди. Ундан 7 хилдаги 7 минг 381 қути (2 минг 204 сўмлик) сигареталар, 945 килограмм (7 минг 979 сўмлик) ҳар хил чойлар, 6 хилдаги 76 килограмм (119 сўмлик) конфет, чет элда ишлаб чиқарилган 78 банка (936 сўмлик) кофе, 220 жуфт (462 сўмлик) калиш мусодара қилинди. Ҳозир унга нисбатан тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Ленинград туманинда Тўқонқовун қишлоғида яшовчи Мухторжон Каримов 20 январь куни чайков базорида 131 ўрам (524 сўмлик) тўкувчи ишни пулаёттанида ушланди.

Тошкент -вилояти Бектемир туманиндан «ташриф буюрган» Комилжон Отабеевнинг чаққон савдосига бироз халақит бердик. Уни 3 минг 500 сўмлик вино, «Фанта», «Фиеста» ичимликлари билан ИИБга келтирдик. Ҳозир терговчилар томонидан уни моҳир чайковчилик дарражасига элтган пиллапоялар қадам-бақадам үрганилмоқда.

Мен бу рақам ва мисолларни келтириш билан яна бир марта тақрорлайман, рўзномадаги танқидий чиқишини асоссиз, деган фикрдан мутлақа узоқдаман. Қўқондаги чайков базоридан худди соғин сигирдан фойдалангандек наф кўраётган қаллоблар бор экан, айрим ютуқлар билан мақтаниш мумкин эмас, деб ҳисоблайман.

Шу ўринда битта таклиф бор. «Минг тасанно» ҳамасбларингизга» мақоласи муаллифи каби куюнчак ўқувчилик ҳамкорлик қилишса, ёч бўлмагандаги бизни оғоҳлантириб туришса, фойдадан холи бўлмасди.

Шукурулло РУЗМАТОВ,
Қўқон шаҳар ИИБ бошлiği, милиция майори.



Кейинги даврлардаги турли миш-мишлар посёлка аҳлини сергак торттириб қўйганди. Шунинг учун ўйлдан анча чеккада турган давлат рақамисиз машина уларнинг диққатини ўзига тортди. Улардан бири Амударё тумани ИИБ участка вакили Олимбай Болтаевга хабар берди. Милиция лейтенанти машинадагилар билан ҳол-аҳвол сўрашди. Нотаниш йигитлар ёқилғи таҳсиллагичнинг бузилиб қолганини айтишгач, Олимбай моторни кўздан кечирди. Шу пайт машина кузошланди.

ви номер белгиси қирқиб олинганини пайқади.


Милиция лейтенанти қўлини латтага арта турди: «Шу яқинда танишим бор, қўли гул уста», — деди-да, уларни эргаштириди. Ҳалигилар участка вакили хонасини кўриши билан қочиб қолдилар. Олимбай ҳам шу яқин ўртадаги ДАН инспектори Йўлдошбой Жумамуратов билан биргаликда рақамиз «Жигули» орқасидан тушишиди.

Ниҳоят, Туркманистон ССЖ Тошховуз вилояти ҳудудида қочоқлар қўлга олниди. Машина кўздан кечирилганда, 2 та пичоқ, 2 та юзга кийладиган ниқоб, кесма қўшофиз милтик, ўқлар топилди. Жиноятчилардан бири иттифоқи кидиривуда юрган В. экан. Улар бир неча марта Тошховуз вилоятида босқинчилик қилишиб, машиналарни ўғирлашган. Жиноятчилар Тошховуз вилояти ИИБга топширилди.

Сайдулла БОБОЕВ.

СУРАТЛАРДА: ДАН инспектори Й. Жумамуратов ва рақамиз машинадан топилган далилий ашёлар.

Муаллиф олган суратлар.



ДУДЛАНГАН БАЛИҚ ҚАЁҚҚА КЕТЯПТИ?

Ҳозирги пайтда темирйўл контейнери топиш, ўзингида маълум, ўта мушкул иш. Шунга қарамай, Ава Мамедов билан Сервер Молочников ўзлари учун беш тонна юк ортиладиган иккита контейнерни бемалол топишиди. Улуғбек станциясида уларни қўллаб-қувватлаб, қrim татарларининг ўз асл ватанларига тезроқ қўчиб бориш истаклари билан боғлиқ вазиятни жуда яхши тушунишларини қўрсатишиди. Лекин ҳужжатларга кўра «уй-рўзгор буюмлари ортилган» контейнерлар жўннатиб юриш учун станцияга қайтиб келганида станциянинг тажрибали ходимлари шубҳаланиб қолдилар: нима учун дармонларни олиб чиқиб кетишига уринган Вьетнам фуқароси Летеу Шон ушланди. Бир неча тугунга жойланган иккя ярим минг сўмдан ортиқ турдиган бу дориларни у маҳаллий дорихоналардан сотиб олган экан.

15-17 апрель кунларида Узбекистон автомобиль йўлларида жами 147 тоннадан кўпроқ юк олиб кетаётган экан. Денов автомобилорнинг ҳайловчилиги Мўминов олтига отни Тожикистонга олиб боришини ҳам иккя ишлар идора-

татдилар. Унинг ҳайдовчиси П. Қурбонов қарийб иккя миллион сўмлик 14 тонна йигирлиган ипни қўшини Республикадан олиб кетаётганида Қўнгирот районида ушлаб қолинди.

КамАЗ янги дудланган бутансиқ таомнинг саккиз тоннасини абжирлик билан Республикадан олиб чиқиб кетаётганида Ҳайдовчилигидан 20 тонна сариёгина кўра яхшироқ яшаётган эканмиз.

Бошқа Республикалардан келган меҳмонларнинг айтишича, биз ҳозир мамлакатимизнинг бошқа кўпгина минтақалари дагидан кўра яхшироқ яшаётган эканмиз. Ҳукумат қарорига мувофиқ йўлларда ўтказилаётган текширувлар, Узбекистондан гайриқонунги равишда олиб чиқиб кетилаётган юклар ушлаб қолинаётганини эҳтимол, биз яна бироз бўлсада яхшироқ яшашимиз мумкин эди, деган фикрни уйғотмоқда. Ҳар бир ҳўжалик ходими ўз даромади учун жон кўйдириши тушунарли. Майли у ўша сариёғни ҳозиргидек талонлар асосида эмас, шартнома нархидаги ўз Республикаси аҳолисига сотиб, даромад ола қолсин. Ёки дудланган балицини сотсин... ёки асални сотсин. Колаверса, ҳаридорлар дўконлар пештахталарида асал ийӯлигидан тегишили жойларга шикоят қилаверб ҷарчадилар, чорги.

Эҳтимол, сизда ҳам, муштарий, бу хусусда бирор амалий гоя пайдо бўлар... Ундей бўлса сизни суҳбатга таклиф қиласиз: матбуот боросининг Гашкентдаги алоқа телефони — 56-36-09.

УЗБЕКИСТОН ССР ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ МАТБУОТ БЮРОСИ ҲАБАР ҚИЛАДИ

да озиқ-овқат маҳсулотлари ва истеъмол молларини олиб чиқиб кетаётган экан. Бу юклар орасида 13,4 тонна гуруч, 14,5 тонна пиёз, 5,6 тонна картошка, деярли шунча олма, янги узилган помидор, редиска, 19 тонна ерёнгоқ, тўрт тонна омикхта ем, беш мингтадан кўпроқ аёллар халатлари, мингта жункурпа бор экан...

Тошкентдан чиқаверишда Андиконга қарашли номер белгилари бўлган «Дўстлик» жамоа ҳўжалигига тегишили КамАЗ тўхтатилди. Унинг ҳайдовчиси А. Исаев машинага 20 тонна асал ортиб кетаётган экан. Шу еринг ўзида давлат автоинспекцияси ходимлари Бухордан келаётган 50-49 БХП номерли МАЗни тўх-

ларининг ходимлари қонунга хилоф деб топдилар.

Самарқанддаги З-автотранспорт корхонасига қарашли бирёйла иккита юк машинаси Сурхондарё вилоятининг Шеробод районида тўхтатили. Бу машиналарга 20 тонна сариёғ ортилган экан. Ҳайдовчилар А. Бўриев билан К. Зайналиев баъзан ўз Республикаларида болаларга етмай қолаётган бу маҳсулотни Ўзбекистондан ташқарига олиб кетаётган эканлар. Дудланган балицини ҳам бизнис дўконларда асал ортилди. Ҳивадаги 1-автотранспорт корхонасига қарашли ҳам бизнис дўконларда тез-тез сотиб олиш мумкин деб бўлмайди. Аммо давлат сув курилиши комитетининг Ҳивадаги 1-автотранспорт корхонасига қарашли алоқа телефони —

МАҶОЛАЛАРИМИЗ ИЗИДАН

Февраль ойининг охирларда «Правда Востока» рўзномасида ва бошқа Республика газеталарида ана шундай сарлаваҳа остида маҷола эълон қилинган эди. Унда Қорақалпогистондаги давлат ҳўжаликларидан бирининг дон омборидан 10 тонна шоли ўғирланганлиги хабар қилинганди. 200 қоп шолини ўғирлаб, бирорта из қолдирмаслик мумкин эмас — Республика ҳуқуқи мұхофазасы қилиш идораларининг ходимлари яқин вақт ичидә қораузаклик «Сеҳргарлар»нинг номларини айтамиш, дейишганди.

ҚОРАЎЗАКЛИК «СЕҲРГАРЛАР»

Мана ниҳоят УзТАГга Қоқацалпогистон Республикаси Ички ишлар вазириларидан жавоб келди. Вазир ўринбосари Н. Б. Криворучко нинг ҳабар қилишича, тезкор-қидирив тадбирлари натижасида новвойхона қорувули 1953 йилда тугилган М. Ажимуратов, «Ўзбекистон» давлат ҳўжалиги табобат пунктининг мудири, 1956 йилда тугилган М. Алламбергенов, 13-автобаза ҳайдовчиси 1965 йилда тугилган Т. Жанабоев, «Қораўзак» давлат ҳўжалигининг тракторчиси, 1938 йилда тугилган К. Омонбоевлар ўғирлини содир этганларни учун қўлга олингандар. Ҳўирлик факти юзасидан жинойи иш қўзғатилди, Қораўзак райони прокуратураси тергов олиб бормоқда.

ТАЛОНЧИЛАР

ЖАЗОЛАНДИ

Ўтган йилнинг 20 ноябрь куни соат 21 ларда Наманган вилоятининг Чортоқ туманинда дехқон бозорида юз берган кўнгилсизлик кўпчиликни ташвишга солган эди. Қуролланган уч номаълум кимса ўзи етиштирган қовунларни сатаётган дехқонга ва юз машина ҳайдовчисига тан жароҳати етказиб, пешона тери билан топган пулларни тортби олганди. Бир зумда кўздан бўйиб бўлган бу босқинчилар ўша куннинг ўзида милиция ходимлари томонидан қўлга олинниб, жинойи жавобгарлика тортишган.

Тергов жараёнда маълум бўлишича, зўравонлардан бири 1969 йилда тугилган чортоқлик Шавкат Аҳмадов чеч кеърда ишламас ва ҳатто гиёҳванд экан. Унинг уйи тинтуб килинганда, яшириб қўйилган наркотик маддалар топилди. Иккичи босқинчи Муҳтор Тўраконов ҳам бирор фойдали иш билан банд бўлмагандаги тикинхўрлардан бўлиб чиқди. Жиноятнинг учинчи иштирокчisi Айнур Муродов эса Чортоқ маданият уйининг бадиий раҳбари бўлиб, у ўша куни бозорда ҳақиқий «санъат»ини на мойиш қилган экан.

Яқинда халқ суди босқинчилар килимишини кўриб чиқди ва А. Муродовни бир йилга шартли, А. Аҳмадалиев ҳамда М. Тўраконовларни беш йил муддат билан озодликдан маҳрум қилди.

М. НЕЪМАТОВ.

ЭШИТМАДИМ ДЕМАНГЛАР

ССКИ ИИВ ичини қўшинлари комсомол ташкилоти ташаббуси билан миллатлараро низопарда жабрланган ёш жангчиларга ёрдам кўрсатиш жамғармаси тузилиди.

Россия ахборот агентлигига хабар бернишча, Совет Итифоқи Коммунистик фирмаси ва РСФСР Коммунистик фирмасининг қатор раҳбарлари яна давлат қўриқловига олинган.

ФОЙДАЛИ УЧРАШУВ

Яқында Бухоро вилояти ички ишлар бошқармасида халқ томонидан ноубликка салланган милиционерлар билан ЎзССЖ ички ишлар вазири ўринбосари полковник Қурбонбай Боймуродовнинг учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашув қуролли жиноятчими қўлга олиш ниятида қаҳрамонларча ҳалок бўлган милиционер. Файзулла Хўжаев тумани ИИБ ходими, катта сержант Тоҳиржон Отаевнинг хотирасига бир неча дақиқа сукут сақлаш билан бошланди. Вилоят ИИБ бошлиги полковник Матрасул Собиров Т. Отаевнинг жасорати ҳақида, ҳамкаслари унинг эзгу ишларни амалга ошираётгандиклари тўғрисида сўзлаб берди. Шундан сўнг йигилишга тақлиф этилган ҳурматли онахон — Тоҳиржоннинг волидаси Сона хола Муҳамедовага минг сўм пул ҳада этилди. Бу пул Т. Отаевнинг ҳамкаслари бир кунлик иш ҳақлари ҳисобидан ташкил этилган фонддан олиб берилди. Онахон миннатдорчилгини изҳор эта туриб, Тоҳиржоннинг ўғли 17 ёшли Алишер Отаев ҳам ота касбинни давом эттириб, халқ пособони бўлиш ниятида эканлигини айтди.

Шундан кейин сўзга чиқкан полковник Қ. Боймуродов жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш борасида милиционер-ноибларнинг асосий вазифалари тўғрисида батафсил сўзлаб берди. Бундан ташқари вазир ўринбосари сўнгги пайтларда ёшлар ва балоғатга етмаганлар томонидан содир этилаётган жиноятлар, кўнгилсиз воқеаларга 14—17 ёшли ўсмирларнинг аралашиб қолиши баъзи жойларда кўпайтганини тўғрисида ачиниб гапириди. Албатта, бу борада ноинсоний қиёфалар, беўхшов ҳаракатлар тасвирланган чет эл видеофильмларининг салбий таъсири катта. Шунингдек, спиртли ичимлик, наркотик моддалар таъсири остида содир этилаётган шафқатсиз жиноятларнинг кўпайтганини ҳақида ҳам гапирилиб, уларга қарши қаттиқ кураш олиб бориши зарурлиги таъкидланди.

— Агар кечаги кунимиз бой берилган бўлса, эртанги кунимизни сақлаб қолишимиз, уни хотиржам, кўнгилдагидек ўтказишмиз керак, — деди Қ. Боймуродов. — Жумхурятимизнинг барча вилоятларида бўлгани каби Бухорода ҳам содир этилаётган кўплаб шахсий мулк ўғирликларида жиноятчилар кўпинча ўсмирлардан фойдаланишмоқда. Бу фожианинг олдини мумкин қадар эртариб олишимиз керак, кейин кеч бўлади.

Шунингдек, ЎзССЖ Олий Кенгаши яқинда қабул қилган «Милиция ходимларини ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилишини кучайтириш тўғрисида» ги Қонунни бажариша кўп жойларда тўрачиликка ўйланаётгандиги, ҳатто баъзи бир маъсул ҳодимлар бу Қонундан бехабар эканликлари ҳақида гапирилди. Утган йили вилоядта 118 марта милиция ходимларига нисбатан қонунсиз ҳаракатлар содир этилганлиги, 9 милиционернинг хизмат бурчанини бажараётб ҳалок бўлганлиги шундан далолат берили. Милиция ходимига нисбатан содир этилган ҳар бир қонунсиз ҳатти-ҳаракат учун жиноятниш қўзгатиши зозимлиги, бу борада ноиблар ҳам алоҳида жонбозлик кўрсатишлари шартлиги таъкидланди.

Учрашувда милиция билан кенг жамоатчилик ўртасидаги муносабатни яхшилашда оммавий ахборот виситаларининг роли бекиёслиги ҳақида ҳам тўхталди.

Кўпчилик милиционер-ноиблар ЎзССЖ ички ишлар вазири ўринбосарига ўзларини қизиқтирган савол ва таклифлари билан мурожаат этилди. Жумладан, Навоий шаҳар ички ишлар бўлими бошлиги, вилоят Кенгashi ноиби Г. И. Семёновченко, Тўқимачилик тумани ИИБ бошлигининг шахсий таркиб бўйича ўринбосари, туман Кенгashi ноиби У. Очилов, муассаса бошлиги, ички хизмат майори, туман Кенгashi ноиби К. Жалилов, Учқудук шаҳар ИИБ ДАН бошлиги, шаҳар Кенгashi ноиби Эсон Камолов, Шофирикон тумани ИИБ бошлиги, послека Кенгashi ноиби Исройл Тўхтаев, Зарафшон шаҳар ИИБ бошлигининг шахсий таркиб бўйича ўринбосари, шаҳар Кенгashi ноиби Амир Бойхўяев, Вобкент тумани ИИБ бошлиги, туман Кенгashi ноиби Ҳаким Саторов ва бошқалар жиноятчиликнинг олдини олиш ва ходимларни ижтимоий, ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилишини кучайтириш, сайловчиликнинг наказларини бажариш борасида сўз юритдилар.

— «Милиция ходимларини ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилишини кучайтириш тўғрисида» ги Қонунда «...Милиция ходими турар-жой майдони тақсимлашда... ва бошқа ҳолларда имтиёздан фойдаланади», дейтилган, аммо бизда буни амалга ошириш анча қийин кечмоқда, — деди Зарафшон шаҳар Кенгashi ноиби Амир Бойхўяев. — Биз оиласи турар-жойга муҳтож милиция ходимларига имтиёзли равишда, яъни павбат-

сиз турар-жой ажратиш масаласини масъул раҳбарлар олдига бир неча бор кўнданланг қўйсан-да, улар бу ишга «панжа орасидан» қарашмоқда.

— Бу ЎзССЖ Қонунининг талабларини тўла тушуниб етмаганликларидан ёки уни тан олмасликларидан далолат берили, — деди унга жавобан Қ. Боймуродов. — Қонун ўзноми билан қонун. Уни муҳокама қилиш эмас, балки бажармоқ шарт... Лекин шуни ҳам айтиб ўтиш керакки. бу Қонунни кенг жамоатчилик орасида тарғиб қилиш милиция ходимларининг зинмасига юкланган.

Вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиги полковник М. Собиров «Милиция ходимларини ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилишини кучайтириш учун суд ва прокуратура ходимлари билан келишган ҳолда ҳар бир бошқармада камиди иккита штатли адвокатнинг фаолият кўрсатишига эришсак, қандай бўларки?», деган тақлиф билан чиқди.

Шундан сўнг сўз вилоядта жиноятчилик шу йилнинг 1-чораги якунидан ўтган йил шу давридаги 1597 тадан 1928 тага, яъни 20.7 фоизга ошганлигига бориб тақалди.

— Жиноятчиликнинг авж олиб кетишида фақат жамоатчиликнинг ёрдам бермаслигини рўйача ишофдан эмас, — деди бошқарма бошлиги ўз сўзида. — Кўпчилик ходимларимиз баъзан ўз хизмат бурчларни бажаришга суст ёндашадиларки, буни яшириш «касл»лини авж олдиришдан бошқа нарса эмас, вилоятимиз ички ишлар бўлимларидан бўлиб, оператив вазиятини таҳлил қилганимизда шу нарса аён бўлдики, баъзи ходимларимиз уч ой мобайнида бор-йўги битта ёки иккита-майда ўғирлик, майда чайқовчиликни фош этиш, бир неча кишини спиртли ичимлик ичганилиги учун маъмурӣ жавобгарликка тортиш билан чекланганлар, холос. Бу ҳолда жиноятчиликка қарши кескин курашиб бўладими? Жамоатчилик ўзларига ҳамфир ва ҳамкор бўлиши учун аввало уларнинг ўзи фаоллик кўрсатмоги шарт.

Учрашув сўнггида ЎзССЖ ички ишлар вазири ўринбосарига бундай тадбирларни жойларда тез-тез ўтказиб турниш фойдаланади ҳоли бўлмаслиги айтилди.

Зинрилла НЕЎМАТОВ,
Бухоро вилояти ички ишлар бошқармаси ходими,
милиция лейтенанти.



ИҮЛДАГИ ТАРТИБ ПОСБОНЛАРИ

Қўлига транспорт воситаси рули тушиб қолган ҳайдовчи уйига беташвиш кириб боришини таъминлаш мәксадида йўлдаги тартибни кузатиб турган ДАН ходимлари хизмати ҳар канча таҳсинга лойик.

СУРАТЛАРДА: Тошкент шаҳар Бектемир тумани ИИБ ДАН ходими милиция катта сержантини Баҳтиёр Тешабоев йўлдаги интизомни назорат қилиб турибди; Урта Чирчик тумани ИИБ ДАН ходимлари (чандан) милиция лейтенанти Сайдали Сандақбаров, милиция сержантини Маъмуржон Аҳмаджонов ва милиция катта лейтенанти Баҳтиёр Хўжаевлар қоидабузар ҳайдовчининг мотоциклини кўздан кечиришмоқда.

Ҳабибулла ШОДИЕВ олган суратлар.

КОТИЛ САША ЭКАН

6 январь куни «Шўр оқиқ»
насос стансиясида хизмат бурчни ўтаган коровор Рафиқ Қорабоев тунги соат бирларда уйига аранг сурдарилиб кириб борди. Даҳшатдан қотиб қолган ота-онасига:

— Мени Саша пичоқлади, — деди-ю, хушидан кетди.

Умри кисса экан, шифохонага олиб кетишаётганида йўлда жон берди.

Фрунзе тумани ИИБ бошлигининг ўринбосари Одилжон Гафуров раҳбарлигидаги оператив гурӯҳ қўли Рафиқжоннинг қони билан бўялаган Сашани қочиб кетган жойидан — Сурхондарёнинг Узун туманидан топиб келди. У 1958 йилда түғилган, Кўргонча қишлоғида яшаб, «Сирдарё» давлат ҳўжалигига ишлайдиган, муқаддам судланган Александр Сафонов бўлиб чиқди.

Ваққосхон ЯҲЕЕВ,
Фарғона вилояти.

ИККИ МИНГ СҮМЛИК ГЎШТ

Сирдарё шаҳар умумий овқатланиш корхонасида омбор мудири вазифасини бажарувчи Азим Каримов ўзига ишониб топширилган омбордан худди ўзиникдек бемалол фойдаланиши ўрганиб олди. Тансиқ маҳсулотларга ҳоҳлаған нархини кўйиб, таниш-билишларига пуллайверди. Кунлардан биррида таниши Содик Ҳазратқуловга 47 килограмм мол гўштини 115 сўмга сотди. Унинг ҳақидан 3 сўм 14 тийин уриб, кисасига жойламоқчи бўлди. Лекин БХСС ходимлари бунга имкон бермадилар.

Чиноз тумани халқ суди бу ишни атрофлича кўриб чиқди. Унда омбордан мол сотиши таъкидланганини била турниш фойдаланиши таъкидланди. У ЖМ-177/2-моддаси 1-қисмига биноан айбор, деб топилди. Давлат кассасига 2 минг сўм жарима тўлашга ва иккى йил мuddатга савдо ишларидан четлаштиришга ҳукм қилинди. Маҳкам ҲАКИМОВ.

САНДИҚДАГИ ХАЗИНА

Замон қурмагур нотинч Ҳамма йиллар давомидаги топған-тутганини бундан ҳам оғир кунлар келиб қолаётгандек асрар билан овора. Пулни сақлашнинг йўли эса бир дунё экан. Кимdir милиция қўриқлайдиган омонат кассага топширади, бошқаси овқат сўрамайдиган буюмга айлантиради.

Яккабоғ шаҳрида яшовчи ошпаз Э. Пардабойнинг фикрича, сақлашнинг ишончли воситаси сифатидаги уйдаги сандиқнинг олдига ҳеч нарса тушолмас экан. Минг афсуски, сандиқдан анқиган пул ҳиджин номаълум киши сезиб қолибди. З майга ўтар кечаси уйга равон орқали кирган ўғри сандиқдаги хазинани буштаби нетди. Оқибатда ошпаз 25 минг сўмдан ажради, милиция эса ўғрини изламоқда. Ғ. ЖУРАЕВ.

ЖИНОЯТЧИЛАР ҮҚИМАСИН

МИЛИЦИЯ КУЧЛИМИ ЁКИ...

ҳеч нарсага ярамай қолганини ёзишлятику. Ҳақиқатдан ҳам шундайми? Бу саволларга балки жумхурятимиз ички ишлар ходимларининг сўнгги кунларда амалга ошираётган ишларидан биргинасими мисол кеттириш тўғри болгандар. Бемаҳалда милицияга, асосан, зарурат юзасиданга сим қошилари маълум, албатта.

Косонсой тумани ИИБ навбатчилар кисми хонасидаги телефоннинг кетма-кет жиринглаши ҳозиргина бу ерда ҳукм сурдиган тунгий сукунатни бузуб юборди. Бемаҳалда милицияга, асосан, зарурат юзасиданга сим қошилари маълум, албатта. Телефон дастасини кўттарган навбатчи шошилинч нималаридир ёза бошлади. Безовталаётганди киши Худойбердин номли давлат ҳўжалиги худудида яшовчи З. исмли Фуқаронинг хонадонига номаъ-

лум кимсалар бостириб киргани ҳақида хабар берадиган эди.

Зудлик билан ички ишлар бўлими бошлигининг ўринбосари, милиция майори Э. Дўстматов бошлиқ оператив гурӯҳ айтилган жойга етиб борди. Чиндан ҳам босқинчлик содир бўлган экан. Бир неча киши юзларига ниқоб тутган ҳолда уйқуда ётган оила бошлиғи ва турмуш ўтогининг ёқ-қўлларини боғлаб, катта миқдорда пул талаб қилишган. Натижада бўлмагач, шафқатсизлар кўлларига эрк бериб, уйзгаларига тан жароҳати етказишиган. Кейин 6000 сўмлик забэм қоғозлари, 3090 сўмлик таъкидиган, 3 та гилам ва бошқа кўлга илингланар олиб кетгандар. Жиноятчилар ҳақида эса гувоҳлар ҳеч нарса билмайдилар. Факатгина улар

Н. МАМАЖОНОВ,
Наманган вилояти ИИБ ходими, милиция майори.



ҲИСОБ ОЧИЛМАДИ

(ҲАЖВИЙ РЕПОРТАЖ)

Қадрли оиласий масалалар ишқибозлари! Диңгиз қилинг, бугун кўчма микрофонларимиз Карим піёнинг ҳовлисига ўрнатилган. Ҳозир бу ердан шахсий устунлик соврини учун Эр ва Хотин командалари ўтасида ўтказиладиган учрашув ҳақидаги репортажни олиб эшиттирамиз.

Ўйиннинг иккичи ярми бошланишига бир неча дақиқа борлигидан фойдаланиб, мен сизларни командаларнинг аъзолари билан таништириб ўтмоқчиман. Арzon методан тикилган эски, узун камзул кийгай Хотин командаси ёз дарвозаси ҳисобланниш ошхона токсасидаги идиш-товоқларни, тутмачалари тушиб кетган жудур костюмдаги Эр командаси эса ўз дарвозаси бўлмиш вино ва лаби учган эски піёла яширилган сомонхона бурчани ҳимоя қилишади.

Командаларнинг аъзолари атиги бир кишидан — ЭР командаси Карим піён ва Хотин командаси Кимсанхонлардан иборат. Учрашувга жаҳон тоифасидаги безорилар клубининг аъзоси Жаҳолат баш ҳакамлик қиласи. Унинг ўнг томонида Жанжал, чап томонида эса Газаб байроқчаларни ушлаб тушиби.

Мана ниҳоят, командалар майдонга тушиши. Командалар аъзолари қанчалик зўр беришмасин, ўйиннинг биринчи қисмидаги ҳисоб очилмасдан қолган эди. Шундай қилиб, иккичи қисм ҳам ни-

ҳоятда дадиллик билан бошлианди. Майдонга биринчи бўллиб тўпни Хотин командаси ташлаган бўлсада, Эр командасининг қўли устун келиши ишқибозлардадек сезила бошлианди. Қўлида бўшаган вино шиншаси билан Эр командаси! У шиддат билан Хотин дарвозасига яқинлашиб бормоқда. Ана, у Хотинни алдаб ўтди. Жуда хавфли вазият. Хотин ҳам бўш келаётганди йўқ. У Эрнинг энди дарвоза томон йўналтироқчи бўлган шиншасини зарб билан қайтарди.

Эр командасининг бу қадар улоғиқлик ва газабноклик билан кетма-кет ҳужум ўштириши ҳамда қўли баoland келишида командалинг бозустози Виноевнинг хизматлари бекиёслитигин алоҳида таъкидлаб ўтишига тўғри келади. Ҳақиқатдан ҳам Виноев ўзига эътиод кўйиган кишиларга нисбатан ўта саҳий, уларни жаҳолат, безорилик, газаб, васваса руҳида тарбиялашда бутун куч-куватини сарфлаб ҳизмат қилиди.

Ўйин давом этагиди. Ҳамон ҳисоб очилганича йўқ.

Едингизда бўлса керак, бу иккичи команда аъзолари бир неча мавсумларда тақорроткор учрашувлар ўтказган бўлсаларда, бирон марта ҳам ҳисобнинг очишини эршишмаганлар ва шахсий устунлик совринини ҳеч бири кўлга кирита олмаган.

Хотин командаси ҳужумга ўтаяти. У Эрга шиддат билан ташланиб, унинг қўлида-

ги шиншани мўлжалга олди ва қулочкашлаб чўмич билан урди. Гол..

Иўқ, афсуски, гол бўлмади. Чўмич визиллаб ҳавони кестанича ўтириб қолган Эрнинг боши устидан ўтиб, товуқхона ёнига бориб тушди. Жонидан тўйган Хотин устма-уст ҳужумга ўтиб, бу гал капкири отган эди, у ҳам Эрнинг ёнидан ўтиб кетиб, дераза ойнасини чилпарчин қилди. Энди Эр командаси шиндатли ҳужум бошлиди. У қаршисида турган Хотинни зўравонлик билан силтаб ташлаб, ўзини ошхона ичига урди. Идиштовоқларнинг қарслаб синаётган овозини эшитган Хотин унинг оржасидан югуруди.

Шунни айтиши керакки, ҳозир бу ерда ўйин қоидаси кўпол равишда бузилишига қарамасдан, ҳакамлар Эрга ҳеч қандай таъбҳа беришмади. Аксинча, унга ён босаётгандек ҳаракатда эдилар. Хотин командаси бу ҳақиқизликдан қаттиқ норозилигини билдириш учун ҳакамларга қаҳрли нигоҳ ташлаб қўйди.

Учрашув тугашига атиги ярим дақиқагина вақт қолди. Эр командаси учрашув давомида гирромлик билан ўзига бир имконият яратди ва шундан фойдаланиб, учта чинни коса, битта чойнак, иккита піёлан чил-чил қилингаш эришиди. Хотин командасига насиб этган имконият ҳисобига дераза ойнаси йўқ қилиди. Хуллас, бу гал ҳам шахсий устунлик соврини ҳеч кимга насиб этмади.

Мана, бош ҳакам байроқ-чесини кўтариб, учрашувга ажратилган вақт тугаганини маъдум қилди.

Шундай қилиб, биз ҳам Карим піён ҳовлисидан олиб эшиттирган репортажимизни тугаллаймиз. Э, дарвозада милиционер кўриняптими? Ҳа, чиндан ҳам ҳовлига иккита милиционер кирди.

Оббо, Жаҳолати тушмагурей, милиционерларнинг шарпасини сезиб, учрашувни барвақтрақ тўхтатиб қўя қолган эканда.

Жанжал билан Газаб ўзларини қаёққа урдийкин — кўринмай қолишиди.

Демак, ўйин ҳали яна давом этади. Лекин Эр командаси бу гал бошқа жойда, бошқа команда билан учрашади. Кейинги учрашув натижасини ҳам оммавий ахборот воситалари орқали албатта матьлум қиласиз. Ҳозирча хайр.

Нормамат ТОҒАЕВ.

САККИЗЛИК

Уттанларни қараш
лозимми шунча?

Шусиз ҳам ташвишида бу кўхна очун..

Ахир, қийин эмас юртни булғамоқ,

Форатни истаган гаддорлар учун..

Утмишни тимайин сотади улар,


Етти пуштига ҳам тош отар ҳатто.

Аммо тавба дей чўкарлар бир кун,

Мозийнинг қаъридан келганда садо!

Эркин САТТОРОВ.

ТАБИАТ МУЪЖИЗАСИ.
Ҳ. ШОДИЕВ олган сурат.



ҲАНДАЛАР ТАЛАБА, ОШПАЗ ВА ТАЛОН..

— Ука, қайси... ҳалини куллиётда ўқайсиз?
— Иккисод куллиётиди. Нимайди?
— Ўзим ҳам айтдим-а, ишма учун у менга талон ўрнига аబонемент берди, деб. Ушланг бунингизни, лагмонин эса бу ёқда ўйинг.

Талаба:
— Атталону алайкум.
Ошпаз:
— Ва алайкум атталон.
С. ЭРКИНЖОНОВ.

БОЛАННИГ ТИЛИ ШИРИН

Тўрт ёшлик Нодирининг сочини олишганди, роса йиглади. Аяси уни овутмоқчи бўлиб деди:

— Ахир, сочин ўсиб, иш болага ўшаб қояган энсан. Энди ўни бола бўлдинг.

Шу куни Совет Армияси сафига чақирилган аваси Ахрам сочини одиди, ўга кириб келди. Шунда Нодир:

— Ия, Ахрам ака, Сиз ҳам энди ўғил бола бўлдингизми! деб сўради.

Муҳаррир
Зокир ОТАЕВ.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700029, Тошкент, Лопатин кўчаси, 1.

Узбекистон Компартиси Марказий Қўмитаси нашриётининг Мөҳнат Қизни Байроқ ордени босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Рӯзнома оғсет усулиди, А-3 колониди босилган 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.

«ҚЎКТОЙ»

Қайтанга катта акам янга битта кучукча кўтариб келди. Айтишича, «Қўктой»нинг «укаси» эмиш.

— Бу ҳам зўр ит бўлади. зоти яхши, — мақтанди акам ўзича.

— Ўйни итбозор қилиб юбордингку, дедилар аям.

Лекин бу эътирозларидан ҳам жиддий қаршилик эмас, розилик аломати сезилиб турарди.

Янги кучукчага «Қоплон» деб ном кўйик. Бақалоқ, оёқчалари калтагина, қорини аранг ердан кўтариб юарди. Акамнинг гаплари тўғри чиқди. «Қоп-

(ВОҚЕЙИ ҲИКОЯ)

лон» ой сайнин, кун сайнин улгая бошлади. Айниса, уларнинг овқати ейиншини томоша қилишини яхши кўрардим.

«Қоплон» ўз улушини еб-емасдан, «Қўктой»нинг идишидаги емишга ташланарди. Аммо «Қўктой» бунга газабланмас, гўёки «есанг ея қол, очиўз» дегандек, четроқча бориб ётиб оларди. «Укаси» тўйиб, идишдан узоқлашгандан кейингизга ортиб қолган овқатни ҳафсаласизлик билан ея бошларди.

Орадан иккича йил ўтди. Шермуҳаммад акамни уйлантиридик. У оиласи билан шу ерда қолди, биз эса унча узоқ бўлмаган жойга ўй қуриб, чиқиб кетдик. «Қоплон» биз билан яшай бошлади. «Қўктой» эса акам билан.

Лекин уларда қизиқ одат бор эди. Бир-бирининг безовта товушини эшит-

са, дарҳол ёрдамга шошилишарди. «Қоплон» исми-жисмига яраша бўлиб, катталиги бузоқдай келар, бир ўзи учтўрт ит билан баслаша оларди.

Кейинги пайтларда у иккича-у соатлаб йўқ бўлиб кетадиган одат чиқарди. Қунларнинг бираидан эса эрта саҳарда гойб бўлганича кечгача кўриниш беради. Орадан ҳафта ўтди — ўй қўйи.

Қари «Қўктой» эса ором нималигини билмай қолди, овқатга ҳам қарамасди. Аллақаёқларга изғиб кетар, орадан анча ўтча, ҳоргин кайфиятда яна пайдо бўларди. Ниҳоят, у бир кун гингшиб оёқларнинг суйқалди, мени аллақаёққа бошламоқчи бўлди. Буни сезиб, унга эргашдим.

Юра-юра тог ёнбайридан калал қасига чиқдик. «Қўктой» омонатнига кўприқдан ўтдида, тахминан юз метрча келадиган пастликдаги силос босишига мўлжаллаған чуқурга қараб, юракни ларзага келтирувчи товуш билан увлади.

Не кўз билан қарайки, у ерда «Қоплон»нинг жасади ётари.

Ҳаммаси кейин аён бўлди. Бегмат чўпон ўзининг бўрибосар кўшаги билан мақтаниб юарар, бир марта у ўша кўпагини «Қоплон» билан уриштирганди. Ушанда менинг «Қоплоним» устун келганди.

— Нега итимин отиб ташладингиз? — деб сўрадим. Бегматнинг ўйига бориб дабдурустдан.

— У каловланиб қолди. — деди бироз ўтгача тақдирга тан бериб. — Айб ўзида. Ахир, сигирларнинг тишлайвериб, кун бермай қўйдиди.

Шу кундан бошлаб «Қўктой» ҳам кўринмай қолди. Қўзларимда ёш билан роса қидирдим. Иккича кундан кейин «Қоплон» кўмилгандан жойдан топдим.

Холмуҳаммад МУҶИДИНОВ,
милиция старшинаси.

«ПОСТДА» —
(«НА ПОСТУ»)
Орган коллегии МВД
УзССР

Буюртма — 5409.

Индекс: 64615.